


# **МАҲАЛЛАРДА УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА**



Термиз туманида жойлашган барча маҳаллаларда “Уч авлод учрашуви” тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Навбатдаги тадбирлар куни-кеча “Истиқлол” маҳалласида ўтказилди.

Тадбирда нуроний отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийлари ва ёшлар бир дастурхон атрофида жам бўлиб, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлардан сұхбатлар қилиниб, нуронийларимиз ҳозир тинч ва фаровон кунларимиз учун шукronа қилиш кераклиги ҳақида ёшларга насиҳатлар қилишди.

Тадбир якунида нуронийлар юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигини тилаб дуода бўлишди.



**Термиз туман ҳокимлиги**  
**Ахборот хизмати**